

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**391 Тошкент шаҳри аҳолисининг уй-жой-коммунал шарт-шароитларини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида**

Тошкент шаҳри аҳолисининг уй-жой-коммунал шарт-шароитларини яхшилаш ишларини изчил амалга ошириш, кўп квартиралли уйларнинг умумий фойдаланиладиган жойлари, муҳандислик коммуникацияларини таъмирлаш ҳамда уларнинг ҳудудларини ободонлаштириш, коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шунингдек Тошкент шаҳар ҳокимлигининг муниципал мулк объектларидан самарали фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг:

1-иловага мувофиқ фойдаланилмаётган ва давлат мулкига тегишли бўлган ётоқхона биноларини Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Бинолардан фойдаланиш департаментига бепул бериш;

2-иловага мувофиқ муниципал мулк объектларини сотиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Мазкур қарорга 1-иловада кўрсатилган объектларнинг балансда сақловчилари ушбу объектларни тегишли ҳудудлари билан биргаликда бепул топширсинлар, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Бинолардан фойдаланиш департаментига объектларни қабул қилиб олсин ҳамда улардан самарали фойдаланилишини таъминласин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

1-иловада кўрсатилган объектлардан етим ва боқувчисини йўқотган «Меҳрибонлик уйлари» тарбияланувчиларини, турар жойлари бузилаётган ҳамда турар жойга муҳтож фуқароларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида фойдаланилади;

2-иловада кўрсатилган муниципал мулк объектларини очик савдоларга қўйиш Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан амалга оширилади. Уларни сотишдан тушадиган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ихтиёрида қолдириладиган, шунингдек баҳоловчи ташкилот ва савдо ташкилотчиси хизматлари учун харажатларни чегирган ҳолда, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг махсус ҳисоб рақамида жамланади;

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг махсус ҳисоб рақамида жамланган маблағлар кўп квартиралли турар жойларнинг ҳудудларини ободонлаштиришга, уларнинг муҳандислик тармоқларини, томларини, лифт хўжалигини таъмирлашга, мавзелар ҳудудидаги ёритиш тизимларини тиклашга, кўп квартиралли уйлар учун умумий иссиқлик энергиясини ҳисоблаш асбобларини сотиб

олиш ва ўрнатишга, коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари, шу жумладан «Махсустрас» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилади.

4. Тошкент шаҳар ҳокимлиги муниципал мулк объектларини сотишдан тушадиган маблағлардан белгиланган йўналишлар учун мақсадли фойдаланилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш Бош бошқармаси Тошкент шаҳар ҳокимлигининг махсус ҳисоб рақамидан молиялаштириладиган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини ҳар чоракда текширсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.И. Закиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 25 июль,
209-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 25 июлдаги 209-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Бинолардан фойдаланиш
департаментига бепул бериладиган фойдаланилмаётган ва
давлат мулкига тегишли бўлган ётоқхона бинолари
РЎЙХАТИ**

Т/р	Манзили	Балансда сақловчи	Қурилиш тури
1.	Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 15а-уй	«ЎзгеорангметЛИТИ» давлат унитар корхонаси	4 қаватли
2.	Ҳамза тумани, Оқдарё кўчаси, 120/2-уй	«Конвектор» МЧЖ	2 қаватли

Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 25 июлдаги 209-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Тошкент шаҳар ҳокимлигининг сотиладиган
муниципал мулк объектлари
РЎЙХАТИ**

Т/р	Манзили	Балансда сақловчи	Қурилиш тури	Умумий майдони (қв. м)
1.	М. Улугбек тумани, Чуст кўчаси	Биолардан фойдаланиш департаменти	2 қаватли бино	2682
2.	М. Улугбек тумани, Қорасувбўйи кўчаси, 5а-уй	Биолардан фойдаланиш департаменти	1 қаватли бино ва иншоотлар	712
3.	М. Улугбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 7-уй	Биолардан фойдаланиш департаменти	1 қаватли бино 1-қаватининг ва ертўласининг бир қисми	333
4.	Миробод тумани, Сайхун кўчаси, 19-уй	Биолардан фойдаланиш департаменти	2 қаватли бионинг 1-қавати қисми	79
5.	Миробод тумани, 8-Март кўчаси, 57а-уй	Биолардан фойдаланиш департаменти	1 қаватли бино ва иншоотлар	3257
6.	Миробод тумани, Шаҳрисабз тор кўчаси, 6-уй	Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси	автокорхона бино ва иншоотлари	13575
7.	Сергели тумани, Спутник-1, 1-уй	Биолардан фойдаланиш департаменти	1 қаватли бино	623
8.	Учтепа тумани, Уйгур кўчаси, 555-уй	Биолардан фойдаланиш департаменти	1 қаватли биолар	797
9.	Олмазор тумани, Сағбон-Фаробий кўчалари, 5-уй	Биолардан фойдаланиш департаменти	4 қаватли бионинг 1-қавати қисми	128
10.	Олмазор тумани, Сағбон-Фаробий кўчалари, 6-уй	Биолардан фойдаланиш департаменти	4 қаватли бионинг 1-қавати қисми	153
11.	Олмазор тумани, Жомий кўчаси, 5-уй	Биолардан фойдаланиш департаменти	3 қаватли бино ва иншоот	2207
12.	Олмазор тумани, Жомий-5, Магазин Мавзук кўчаси	Биолардан фойдаланиш департаменти	1 қаватли бино	633
13.	Шайхонтоҳур тумани, Мужримобод кўчаси, 68-уй	Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги	иссиқхона бино ва иншоотлари	3369
14.	Юнусобод тумани, Ифтихор кўчаси, 1-уй	«Пойтахт агро» ДУК	1 қаватли бино ва иншоотлар	3604
15.	Яккасарой тумани, Ўрикзор 2-тор кўчаси, 45-уй*	Биолардан фойдаланиш департаменти	2 ва 1 қаватли биолар	1237
16.	Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 67-уй, 6-корпус	Биолардан фойдаланиш департаменти	9 қаватли бионинг 1-қавати қисми	30
17.	Бектемир тумани, Чирчиқбўйи кўчаси	Бектемир тумани ҳокимлиги	қурилиши тугалланмаган бино	2194
18.	Бектемир тумани, Бинокор кўргони	Бектемир тумани ҳокимлиги	қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотлар	
19.	Бектемир тумани, Бинокор кўргони	Биолардан фойдаланиш департаменти	қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотлар	
20.	Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Чимён	«Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси	қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотлар	
21.	Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Чимён	«Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси	қурилиши тугалланмаган меҳмонхона биноси	
22.	Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Чимёнсой	«Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси	қурилиши тугалланмаган соғломлаштириш мажмуаси биолари	

* Объект мактабгача таълим муассасаси фаолиятини сақлаб қолиш шартин билан сотувга қўйилади.